



Ма'рифат

МА'РИФАТ \* ХАЛҚ ВЕЖЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган

1995 йил 6 декабрь, чоршанба

Баҳоси соғувда эркин нарҳда.

48 (6694)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

4 декабрда Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло...

Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари Президентлари Асакадаги «Ўз-ДЭУавто» автомобил заводида ташриф буюришди...

Андижон аэропортида Президентлар Исло Каримов ва Аскар Акаевнинг ом...

Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев шу кун Андижондан Бишкекка жўнаб кетди...

Шу кун мамлакатимиз раҳбари Исло Каримов Тошкентга қайтиб келди.

(Ў.А.)

ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги Усмон Юсулов номидаги ижара қорхонаси олий ҳиммат намунасини кўрсатиб...

Ғоиб ЁҚУБОВ, ўз муҳбиримиз.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СУЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дустлар! Қашқадарё воҳаси дунё маданияти тараққийнинг олтин бе...

Амир Темур юбилейи бутунлай янги, миллий давлатчилигимиз шаклланиб, жамиятимиз тубдан ислоҳ этилаётган тарихий бир даврда ушбу билан...

Дарҳақиқат, бутунги Ўзбекистон жаҳон тараққийида узига хос ва узига мус тараққийет йўлини белгилаб олган мамлакатдир...

Азиз дустлар! Биз ҳақли равишда халқимизнинг, юртимизнинг улут тарихи ва бетақор маданияти билан...

ни, муносиб ҳаётимизни, мустақил давлатчилигимиз ва адолатли жамиятимизни барпо этиш учун янги гоёни, буюк вазифа ва муаммоларни ҳал қилишда халқимизнинг руҳини кутаришдан миллий мафкура, янги тақдирни тақазо қила...

Улут маърифатчи Абдулла Авлоний «Илм — дуненинг иззати. Илм инсон учун роғт олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки, илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатади. Сизнингизни, фикримизни қилиш каби утқир қилар», деган эди.

Оқинини айтсақ, ҳозирги туб бурилишлар даврида биз фикримизни қилиш каби утқир қилдикан, хатти-ҳаракатимизни ойна каби кўрсатадиган ана шундай илмга муҳтожмиз. Бугунги кунда ислохотларнинг самараси бевосита дунёқарашимизнинг нечоғлиқ шаклланиши ва тафаккуримизнинг нақадар кенг эканига, эски тизимдан қолган боқимандалик кайфиятидан қанчалик тезроқ озод бўлишига боғлиқ бўлиб турибди.

Хурматли дустлар! Бугунги учрашувимизнинг, мажлисимизнинг асосий мақсади Қашқадарё вилоятида барча соҳаларни ислоҳ қилиш, иқ...

тисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, мулкчиликнинг турли шакллари 1993 йилги курсатқичлар билан таққослаганда, вилоятда уй-жой қурилиши 22,5, болалар боғчалари 85,8, касалхоналар қурилиши 49,3, поликлиникалар 87,1, газ ва сув қувурларини ишга тушириш 30 фоиз камайиб кетган. 1995 йилнинг 9 ойлик натижалари бундан ҳам аянчли.

Мамлакатимиз мустақилликнинг бешиги йилига қадам қўйди. Ҳозир иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Республика ҳукумати тизимнинг савий-ҳаракати билан вилоят ҳудудига беқисме аҳамиятга эга булган нефть ва газ захираларини излаб топиш ва қайта ишлаш қорхоналари қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Улар керакли микдорда маблаг ва ишчи кучи билан таъминланмоқда. Бироқ мақор қурилишлари тезкорлик билан илҳосига етказишда маҳаллий ҳокимчиликнинг ҳиссаси ва тасирини унчалик сезилмапти.

Ижтимоий объектлар қурилишига ҳам эътибор берилмоқда. Ачинарлиси шундаки, қури...

лиш ҳажми 1991 йилдан бугунга қамайиб бормоқда. 1994 йил якунларини 1993 йилги курсатқичлар билан таққослаганда, вилоятда уй-жой қурилиши 22,5, болалар боғчалари 85,8, касалхоналар қурилиши 49,3, поликлиникалар 87,1, газ ва сув қувурларини ишга тушириш 30 фоиз камайиб кетган. 1995 йилнинг 9 ойлик натижалари бундан ҳам аянчли.

Вилоят туман ва шаҳарларида аҳоли ҳисобидан бозорлар, дуконлар, маиший хизмат кўрсатиш пунктларини қуриш жуда суст бормоқда. Ободлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари қўнқарди эмас.

Вилоят қурилиш комплекси ўз имкониятининг атиги 62 фоиздан фойдаланмоқда, ижтимоий соҳада қуриб битказилмаган объектлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Вилоятда 57 та мактаб, 10 та болалар боғчаси, 15 та касалхона қурилиши чала ҳолда турибди. Ваҳоланки, бугун ишлаб турган 44 фоиз мактаб, 61 фоиз болалар боғчаси, 53 фоиз касалхона ва поликлиникалар молаштирилган биноларда жойлашган.

Аҳолини ичмилки суви ва газ билан таъминлаш буйича вилоят ҳаракат дастури барбод бўлган. Газ билан таъминлаш 38,5 фоизини, сув билан таъминлаш эса 64,9 фоизини ташкил қилади.

Ана энди мавжуд ҳолисаларга ҳолисона баҳо беринг. Бугун мамлакатни газ билан таъминлайдиган вилоят аҳолисининг асосий қисми табиий газдан фойдалана олмайпти. Ачинарлиси шундаки, бу ҳол раҳбарларни, мутасадди шахсларни таъвишга содмайпти. Улар ҳамон эски замоннинг лоқайдлик ва боқимандалик кайфиятидан қутула олмайпти. Нима, газ ва суви республика

ҳукумати келтириб бериши керакми?

Бугун Қашқадарёда мавжуд аҳвол-вазаятни кузатиб, бир нарсани ачинаман. Агарда мен мана шу бетақор заминда бағри келг, меҳнаткаш ва заҳматкаш, ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезир, керак бўлса, буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш ва елда турсин, жонини ҳам беришга тайёр турган халқни яқиндан билмасам, унинг кенг имкониятларини билмасам, ўзимни қийнаб утирмасдим, ортиқча саволлар ҳам бермасдим.

Гап бундай имкониятларга эга бўлмиш халқни бошқариш, унинг ички, юрагидаги ғам-ташвишлардан хабардор бўлиш, уни ҳимоя қилиш, ёрут мақсадларга чорлаш — бунинг ҳаммасини кимдир ўз зиммасига, елкасига олишидир.

Аваллабор, ҳар қайси поғона, тоғиға, умуман, ҳаётимизда адолат урнатишга, ҳақиқатни қарор топтиришга ўзини аямаслик, урнат ва ибрат курсатиш — ҳар қандай раҳбар учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Бу масалада Қашқадарёда содир бўлаётган вазиятни куздан кеңирайлик.

Вилоятда сунти уч йилда 179 ҳужжатли раҳбардан 104 нафарни алмаштирилган. Лекин бундай олдидан чуқур ўйламастан, таҳлил қилмасдан, шопша-шонлар билан қилинган ишлар оқибатда нима бериши мумкин эди?

Жами янги раҳбарларнинг 11 фоизини 30 ёшга булган кадрлардан иборат эканини янгилаш дегини мумкинми ўзи? Қўпчилик раҳбарлар ҳамон юқоридан буйруқ қутиб, боқимандалик кайфияти билан ишлайдиган бўлса, замон талаблари моҳиятини

(Давоми 2-бетда).

«Маърифат» хабарлари

ҲОЛЛИВУДЛИК МЕҲМОНЛАР

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 586-болалар боғчасига АҚШнинг Ҳолливуд шаҳридаги умумтаълим коллежларидан бирида таҳсил оладиган 4 нафар ўқувчи ташриф буюрди. Қора танли ХI синф ўқувчиларига «Соғлом авлод учун» тажриба майдончаси деб эълон қилинган мақор боғча ҳаётдан маъқул тушди.

НАТИЖА ЧАККИ ЭМАС

Транспорт билан боғлиқ фалокат ва бахтсиз ҳолисаларнинг олдини олишнинг энг самарадор йўли мактаб ва боғчаларда болаларга йул белгиларини, куча ҳаракати қоидаларини ургатиб боришдир. Шаҳрисабз шаҳар ҳалқ таълими бўлими ва шаҳар давлат автомобиль назорати ҳолисларининг ҳамкорлик тизимини ражалари мувофиқ, ДАН ҳолислари белгиланган вақтда мактаб ва боғчаларда бўлиб, йул ҳаракати қоидаларини буйича маърузалар уқиништи, суҳбатлар утказмоқдалар. Натига чакки эмас. Болалар уртасидаги транспорт воситалари билан боғлиқ бахтсиз ҳолисалар сони кейинги икки йил ичида кескин қамайди. Бу савобни ишда ДАН ҳолими, милиция катта лейтенанти Анвархон Умаровнинг хизмати катта. У ўзига берилган Амир Темур ва Мирза Бедил номли мактабларда тез-тез бўлиб, ўқувчилар орасида маъруза ва суҳбатлар уюштирди.

ЛИЦЕЙДА ТАНЛОВ

Термиз шаҳридаги ўзбек-турк лицейида маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги мавзусида вилоят куриқ-танлови бўлиб ўтди. Унда 11 та туман ва шаҳарлардан 1-тур голиблари қатнашди.

Барча шартлар буйича энг юқори натижага эришган Термиз туманидаги «Мангузар» маҳалласи (раиси Исмомил Хоналиев)га биринчи ўрин берилди. Голиб маҳалла республика куриқ-танловида қатнашлиш ҳуқуқига эга бўлишди. Улар пул муқофотини қўлга киритдилар.

Иккинчи ўринни Шурчи туманидаги «Совжирон» маҳалласи (раиси Ёқубжон Абдурашидов) эгаллади. Учинчи ўрин Жарқўрғон туманидаги «Қўлдош» ва Термиз шаҳридаги Раъно Узоқова номли маҳалларга насиб этди.

МУҲАРРИР ДАРСИ

Сарлавҳани ўқиган педагог «ие, шунақа дарс ҳам булар эканми?» дея ўйлиноб қолиши ҳеч гап эмас. ТошДУ журналистимага факультети талабалари учун бундай дарслардан аълороғи кам топилди.

Бу гапни дарсини «Миллий тиклаш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Гофуров ўтди. Муҳаррир бугунги журналистлардаги сифатлар, уларнинг келажакдаги фаолиятлари қандай бўлишини, ўзбек халқининг тарихи ва ҳозирги кунини таҳлил қилиб, талабаларга ибратли ва гузал сабақ берди.

Талабалар ҳам бундай дарсларни кўпроқ уюштирилишини факультет раҳбариятидан сураб қолишди.

(Ўз ва жамоатчи муҳбирларимизнинг хат-хабарлари асосида тайёрланди).

ТАҲРИРИЯТ.

«Илм мактаби — 95» республика куриқ-танлови

МАКТАБНИ БОШИМИЗГА КЎТАРАМИЗ

Одатда воқеаларни бир бошдан баён қилишга кўникиб қолганмиз. Негадир бу гап воқеани сўнгидан бошлаш мавжуддек туюлади. Гап шундаки, «Илм мактаби — 95» республика куриқ-танловининг тантанали якуний қўсимида, янги қатнашчилар тақдирланган вақтда Жиззах вилояти Зафаробод тумани ҳокими Собиржон Абдусатторов сузга чиқди:

— Чўл шариғида мактабимизнинг республика танловида қатнашлишини ўзи биз учун катта муваффақият. Бу мактаб миллионер мактаб. Унинг ҳисоб рақамиди 34.000 АҚШ доллари бор... Биз мактабни бошимизга кўтарамиз!

Ҳоким икки сузни айтганда ҳақ эди. Биринчидан, у ўз туманидаги бу илм мактаби танловида қатнашган 16 та мактаб орасида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни олмаганидан хижолат эмаслигини, республика куриқ-танловида иштирок этишини ўзи голиблик эканини таъкидлади. Иккинчидан, мактабнинг жамият ҳаётини урни нақадар мўҳим эканлигини эътироф этди. «Биз мактабимизни бошимизга кўтарамиз!» — деди.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган, илм-фан, маданият-маънавият соҳаларида жуда катта эътибор берилмоқда. Собир Иттифоз, даврдаги таълим-тарбиянинг уюлмилки, бир эллиқ хўсусиятларидан воз кенчди. Бугунги — замона...



нинг учун ҳам мактабни тафаккур устахонаси, ҳамият кўзгуси деб атаймиз.

Шу йилнинг 27—30 ноябрь кунлари республика Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан пойтахтимида бўлиб ўтган «Илм мактаби—95» куриқ-танлови илгор мактабларимиз ана шундай кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатди.

Танлов арасида биз бир қанча мактаб директорлари билан суҳбатлашганимизда улар ҳам шу мазмунда фикр билдиришди. «Бугунги кун мактабни қандай бўлиши керак?», «Узингиз етқилик қилаётган мактаб шу талабларга жавоб берадими?» — деган саволимизга улар шундай жавоб қайтарди.

Мавлюда ИСМАИЛОВА, Жиззах туманидаги 273-мактабнинг директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси: — Бугунги кун мактаби тадбиркор ишларни тарбиялаш лозим, лекин тадбиркор дегани фақат ишбилармон дегани эмас. Тадбиркорлик аса маъносиди илмдан илзанишларни, ахлоқдаги ибратни, ишдаги уйда-бурунликни назарда тутди. Биз ана шу йўналишда таълим-тарбия бераётимиз.

Мусо МАМАТОВ, Денов тумани Навоий номидаги 24-умумтаълим мактаби директори:

— Бугунги кун мактаби миллий қиёфага эга, иқти...

(Давоми 3-бетда)



вий таълим-тарбиянинг талаби шуки, ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан соҳага тезроқ жалб этилиши керак. Шунда ўқувчилар урта мактабни тутатар экан, бирон касб эгаси бўлиб етишад.

Кейинги йилларда «замонавий дарс», «замонавий мактаб» деган иборалар муаллимлар орасида тез-тез тилга олинмоқда. Замонавий мактаб — мактаб-маҳалла, оиланинг узаро ҳамкорлигини, ўқитувчиларнинг фидокорлигини, дарслиқлар мазмунининг фан-техника ва технологиянинг энг сунгги ютуқлари асосида бўлишини талаб қилади. Янгича дарс эса педагог, руҳшўнослар, услубчиларнинг муштарак меҳнати самарасидан келиб чиқади. Бугунги ўсимир угил-қизлар бундан унҳатто беш йил илгари ўз тендешларидан фарқ қилдилар. Чўнки уларда ахборотла ҳаёти аснода қатнашди. Замонавий дарсининг биринчи талаби — ўқувчиларда уйлаш, мустақил ишлаш малакасини шакллантириш.

Умумтаълим мактабининг асосий мақсади — ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли шахс сифатида шакллантириш, жамиятда уларнинг мустақил ўринларини топиш учун кўмаклашиш, билим ва ҳунар ургатиш, жамият, оила ва давлат олдига ўз масъулиятларини ҳис қила оладиган шахсларни тарбиялашдан иборат. Бу дегани — бозор иқтисодиети шариғида ишай оладиган, ишлай оладиган ишларни тарбиялаш дегани. Бу дегани — мустақил мамлакатимизнинг чинкам эгаларини воғга етказиш дегани. Шу...

# ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

тушунишга ҳаракат қилмас, яъний натижалар кутиш мумкинми?

Вилоят ҳокимлиги ҳукуматимизнинг жойлардаги вазолати, ҳоким эса Президентнинг вакили, деб кул гапирармиз. Аммо жойлардаги ҳокимлар бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмас, қабул қилмаётган қонуни, фармон ва қарорларнинг маъно, мазмунини яхши англамас, ташаббускорлик ҳиссиёти ва ҳусуниятларидан олис бўлиб, янгилликларга тусиб бўлиб турса, уларнинг Президентнинг вакиллари, халқнинг вазолатини олганлар деб бўладими?

Бу фикрнинг тасдиғи учун бугунги ва эртанги ҳаётимизни ҳал қилувчи бир масалага тухталиб ўтмоқчимиз.

Қашқадарё вилоятида 1300 қишлоқ бор. Шу қишлоқларда 1 миллион 400 минг киши эртанги кунга катта умид билан яшамоқда.

Қани, айтинглар, хурматли халқ вакиллари, ана шу қишлоқларнинг қанчасида бугун кичик қорхоналар ва тadbиркорлик ташаббуси билан ташкил қилинган иш жойи бор?

Хисоб-китоблар шуни кўрсатиштиради, айтиб 600 та, яъни 45 фоиз қишлоқ ҳамда хўжалиқларда кичик қорхона ва хўсурий ташкилотлар бор. Уларда бор-йўғи 12 мингта яқин киши ишлаётган. Узингиз ўйланг, қарийб 1,5 миллион одам қарс-ю, 12 минг иш жойи қаерда?

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу ҳақда қанча гапириб мумкин?

Нима, Қашқадарё воҳисада бунинг учун ҳомаше ва етарли даражада имкониятлар йўқми? Нима кул, Қашқадарёда ҳомаше кул!

Бу муаммони ечимасдан на қишлоқ хўжалиғи, на бошқа тармоқларни ривожлантириб, энг асосийси, халқнинг аҳолини, ҳаёт даражасини яхшилаб, юртимизнинг барқарорлигини таъминлаб бўладими. Бу ҳаммамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Хулоса шундай бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Бундан кейин қимчи бу ҳақиқатни тушунамса, уни ҳаётимизга татбиқ этиш учун жонқуярлик, тadbиркорлик қилмас, раҳбар бўлишга ҳақиқий йўқ. Уз жойини бошқаларга бўшатиб берсин.

Иккинчи мисол: вилоятнинг қишлоқ жойларида ташкил қилинган жами 45 та урта махсус ва ҳунар уқув юртли раҳбар мавжуд. Уларнинг аҳолини, уқув дастурлари, дарсликларини қуриб, аксарият уқитувчилари, ҳатто раҳбарларнинг малакаси ва маданиятини қуриб одам ачинади.

Бундай аҳолидаги уқув юртлиларда ешларимизни қандай қарб-хунарга ўргатиш мумкин?

Бу уқув юртлилардан усиб келатган авлодни зуққо, билмдон ва бутунги эркин бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашни кутиш мумкинми?

Эртанги кун ангина фикрлайдиган, замонавий билмларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади. Биз шунга тайёрми? Бугунги раҳбарларнинг бу ишдаги ҳиссаси қандай?

Вилоят ҳокимининг ва ҳокимликнинг энг заиф жойи шундаки, кадрлар билан ишлашда, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда масъуляти ишла қўпол хатоларга йўл қўймоқда.

қувиштириш оқибатида носоглом муҳит пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, вилоятда айрим ношуд ва нотавон, уқувсиз ва ҳафсаласиз, билим даражаси паст ва дунёқараш тор кимсалар маъсуд лавозимларга чиқиб олинишга йўл қўйилди.

Бундай ноҳуш аҳвол турғисида кул бор айтилди. Танқиддан турғи хулоса чиқарилади деб ана ишондик. Афсуски, аҳвол узгармади. Чунки вилоят ҳокими Т. Хидиров уз фаолиятини давр талабларига мос равишда йўналтиришга қарар қилди. Ҳаётимизда бундай аҳвол билан мурося қилиб бўладими.

Яна бир бор айтмоқчиман: бугунги барча ишларимиз, маънавият меҳнатларимиз, орзу-ниятларимиз, интиқилишимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан қилатган сая-ҳаракатларимиз — ҳамма-ҳаммаси эртанги ерул кунларимиз, муносив ҳаётимиз, биз раҳбарларга куз тикиб катта умид билан боқиб турган халқимиз, гудакларимиз, аёлларимиз, кексаларимиз учундир.

Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаёт даражаси, сикат-саломатлиги, қайфияти, интиқилиши, ишончи қундалиқ узатишлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бу узатишлар қай даражада халқимизнинг талабини қондириш билан боғлиқдир. Қашқадарё ҳаётида содир бўлатган баъзи бир воқеаларни, рақамларни эслаб ўтсак, бу ерда утирган қучлик фаолларимизни тегишли хулоса чиқаришга мажбур қилди, деб ўйлайман.

1994 йил кузи ва 1995 йил баҳоринда ҳарбий хизматга чакрилган эш йигитларимизнинг тахминан 30 фоизи соғлиги ёмонлиги сабабли хизматга яроқсиз деб топилган.

Бундай ачинарли аҳолининг сабаблари қаердан пайдо бўлатгани ҳақида ортқича гапирибнинг ҳожати бўлмас керак.

Узбекчиликда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу ағъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз.

Бугунги даврда маҳалла жойлардаги уз-узини бошқариш тизимининг танячи сифатида фаолият кўрсата бошладди. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айна пайтда миллий ва халқчил қурулишидир.

Ҳаммамиз олдин одамларнинг иссиқ-совуғидан, гам-ташвишидан ҳабор топадиган қим? Албатта, маҳалла аҳди. Турмуш тарзини изга солиш, қундалиқ муаммоларни ҳал этиш учун энг аввало маҳалла фаолиятини қучайтириш, уларга ердан бериш зарур.

Қашқадарё вилоятида оила-оила ижтимоий муҳофазалаш мақсадида маҳаллалар ихтиёрига қатта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Бироқ кул ҳолларда ана шу маблағларни нотўғри тақсимлаш ва, ҳатто, тайрикуний улашатириш ҳоллари уз бермоқда.

Айниқса, Қарши шаҳрида, Яқкабоғ, Чирокчи, Дехқонобод, Косон, Усмон Юсупов туманларида бундай салбий ҳодисалар кенг ая олган. Яқкабоғ туманидаги Самоқ қишлоқ фуқаролар кенгаши бошлиғи М. Тураева ва хотини Н. Бердиев 27 шахс номидан моддий ердан тайинлаш буйича қалбаки далолатнома тузиб, 25 минг 600 сумни узлаштирилган.

Бу кимсалар қайси юз билан етим-есирларнинг, фақир одамларнинг насибатига чангал солишнинг ҳеч тушуниб бўлмади, бу ақлга сизмайди далолат.

Хурматли халқ вакиллари! Маҳалла теҳасида ҳалол ва пок одамлар турғиш керак. Чунки одамлар ана шундай ҳалол кишиларнинг орғидан эргашади, уларнинг гагини икки қилмайди. Маҳалла оқсоқоли ва фаолларнинг таълим-тарбия масъуляти мактаб уқитувчиларининг масъулятидан ортқ бўлса борму, асло кам эмас.

Мана, бир қунгилсиз мисол: вилоятда воғта етмаган болалар 1995 йилнинг 10 ойида 117 та жиноят содир этган. Бунга маҳалла, оила ва жамоат жойларида тарбияга

этиборсизлик, мактабда таълим-тарбия ишларида бир томонлама ендошми сабаб бўлмоқда.

Вилоятда айрим қупорувчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши бевосята маҳалла ва оилада тарбиянинг сустлигидан далолат бермайдими?

Кул ҳолларда жиноят, жиноят қилиш, бир жиҳатдан, бу қалби нопок, яъний бузуқ кимсаларнинг салбий таъсири бўлса, иккинчи томондан, фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан турғиш, гоғий жиҳатдан чиққимаганили оқибатидир. Натижада улар уз юрти уз еқда турсин, уз ота-оналари бошига ҳам оғир ташвиш солмоқда.

Айрим галямислар узларининг гаразли ниятларини амалга ошириш мақсадида айни шу вилоятдан 46 нафар йигитни танлаб қупорувчилик ишларига жалб этишга уринишди. Йўқса, бунинг оқибатида 21 нафар йигит ота-онасини алдаб, қалбаки хўж-ҳўжлик билан баъзи бир доғдилик касалига дучор бўлган жиноятчи ва ватанфуруш қимсаларга эргашиб хоржиға қочиб кетганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Есингизла бўлса керак, шулардан беш нафари Узбекистон Республикаси Олий судининг ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортиди.

Бу ноҳуш ҳодиса оилаларда кам, маҳаллаларда ҳам тарбиявий ишларнинг сустлигидан, раҳбариятнинг эса жойлардаги муҳит юзага келатган баъзи бир ноҳуш вазиятлардан ҳабардор эмаслиги, лоқайдлиги ва беарволигидан далолат беради.

Республикада жамоат ташкилотлари маъсуд тобора қучаймоқда. Хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга ҳоким уринбосари мақоми берилиши шунчаки мансаб улашиш кампаняси эмас. Аслиқча, маҳаллий ҳокимият органларининг халқ турмушига тобора чўқур кириб бориши, демократик жаранлар самараси ва ахлоқий-маънавий тарбия таъсирчанлигини ошириш усулидир. Бироқ вилоятда ана шу хайрли иш натижаси қуринмапти. Ешлар ва усмирлар тарбияси қилиб келиб, тadbиркорлик авж олмақда.

Вилоят қасба уюшмалари, қатор-қатор жамғармалар ва бошқа жамоат ташкилотлари нима билан шуғулланмоқда? Вилоят ҳокимлигида улар фаолиятини мувофиқлаштириб, таҳлил қилиб, баҳо бериб турадиган раҳбар борми узи? Аҳоли ҳаётига, тақдирига берақарлик шунча ҳам бўладими?

Вилоятда маънавий-ахлоқий қадриятлар қиймати тушиб бормоқда. Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, спорт майдонлари, одамлар хордиқ чиқарадиган истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган. Маданият саройларини таъмирлашга маблағ ажратилмаган, улар қаровсиз ва таъмирга муҳтож. Бундай ҳолнинг вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида учратиш мумкин.

Қарши, Ғузур, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш туманларида бир қанча қуркам бинолар қурилган, одамлар учун қулайлик тудирадиган бозорлар, чойхоналар, спорт майдонлари, йўллар бунд этилган эди-ку! Ана шу ободончилик ишларини сиз билан биз амалга оширган эмасмиқки? Минг афсуски, бундай соғаволи, Қашқадарё воҳисининг юзини, салоҳиятини бутунлай узгартириш юборадиган ишлар давом этмасдан қилиб кетганга ухшайди. Вилоятдаги кутубхоналарнинг умумий аҳоли ҳам талаб даражасида эмас. Айрим туманлар ҳокимлари бюджет маблағини тежаш мақсадида уз қарорлари билан кутубхоналарни епиб юборишган. Иқтисодий қийинчиликлар уз йўлга, лекин эш, маърифат ва тарбият учога бўлиш кутубхонани епиш қил-қилиш жиноят эмасми?

Қарши, Қасби, Косон туманларида раҳбарлар иқтисодий қийинчиликларни руқач қилиб, кинотеатрларни епиб қўйганига нима дейсиз?

Одамлар кун буйи ишлаб келгандан сунг, хордиқ чиқарғиси келади, томоша қуришнинг, чиройли боғларда сайр қилиши истайди. Афсуски, ви-

лоятнинг деярли барча шаҳар ва туманларида истироҳат боғлари одам қирадиган аҳволда эмас.

Хуш, шаҳар ва туманлардаги стадионлар яроқсиз аҳволда бўлса, улардан мултоққо фойдаланиб бўлмас, ешлар ва болалар қасрга боради? Одамларнинг жимсоний тарбияси раҳбарларнинг этиборидан бутунлай четла қилиб кетаверса, нима қилиш керак?

Қуча-қуча санқиб юришга, шубҳали гуруҳларга қушишга, емон йўлларга кириб кетишга мажбур бўлади. Шундан фойдаланиб, уларга турғи галямислар «устозлик» қилади. Бунинг натижаси нима бўлишини мен сал олдинроқ айтиб ўтдим.

Айрим туман ва шаҳарларни қуриб, нима, бу ерда замон узгармагани, деб ўйлаб қолсан. Қарши шаҳрида ва қатор туман марказларида қуча ва майдонларда эски шпорлар қамон сақланиб қолган. Нима, бу болшевиклар тузумини қучмасми? Буни қандай тушуниш керак?

Соғлом, қабулват авлодни тарбиялаб, воғта етказиш доимо ҳукуматимизнинг диққат марказида турган масалалар. Вилоятда марказий тиббиёт муассасаларида сарф-харажат қучайтирилиб, қишлоқ жойларга кам этибор берилмоқда.

Мавжуд 678 та фельдшерлик-доғдиқ пунктдан 84 фоизи, 177 та қишлоқ врачлик амбулаториясидан 60 фоизи, 43 та қишлоқ шифохонасидан деярли 80 фоизига шпорти йўқ. 156 та шифо мақсадида телефон алоқаси урнатилмаган.

Бундай аҳолини Қамаш, Чирокчи, Шаҳрисабз ва Яқкабоғ туманларида яққол қуриш мумкин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаган. Усмон Юсупов, Нишон, Қарши, Баҳористон туманларида тиббий муассасалар пеливат ва ички касалликлар шифохорлари билан 70-75 фоиз таъминланган, ҳолос.

Аҳоли уртасида турли касалликлар йилдан-йилга қучайиб бормоқда. Оналар ва болалар улми буйича ҳам аҳвол ниҳоятда жиғди. Айниқса, Яқкабоғ, Қасби, Нишон, Дехқонобод туманларида вазият оғир. Бу туманларда касаллиқлар ҳар 10 минг кишига 9-11 фоизни ташкил қилмоқда.

Бу нима деган гап? Лоқайдлик, уз қасбини билмаслик, е виждонсизликми? Вилоятда аҳолининг йиллик усмиш уч фоиздан зиёдни ташкил этади. Бу қурқатқич Узбекистон буйича биринчи урини эгаллади. Фарзанд қуриш — бу дунёда катта бахт. Лекин, соғлом авлод устириш, уни воғта етказиш жуда катта масъулятидир. Буни ҳеч қим унутмаслиғи ҳар бир кишига билиш керак. Бироқ Қашқадарё воҳисида туғилатган авлоднинг соғлиғи, соғлом усмиши, оналарнинг аҳоли, уларнинг дардлири қимнинг этиборини жалб қилмоқда?

Буни қайси масъуляти раҳбардан сунг керак? Буғун мавжуд бўлган ноҳуш аҳвол учун қимни жавобгарликка тортиш керак?

Соғлиқни сақлаш соҳасида маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ йилдан-йилга қамайиб борапти. Шундай ҳолатда ҳам 1995 йилнинг 9 ойида соғлиқни сақлаш соҳасида ажратилган маблағнинг 66 миллион 400 минг суми ишлатилмаган.

Маориф соҳасида олиб бориладиган ишлар ҳам қониқарсиз аҳволда. Шаҳар ва туман ҳокимлари бу масала билан умуман қизқмай қўйишган. Вилоятда 140 та мактаб авария ҳолатида, 1988-92 йилларда қурилиши бошланган мактаблардан атиги 3 таси ишга туширилган. Аниқ фаиллар, ҳеч тиллар ва жимсоний тарбия фаиллари буйича уқитувчилар етишмайди.

Мактаб раҳбарларининг 17 фоизи тест синовлардан уга олмаган, уқувчиларнинг физика, химия, биология, хордиқ тиллардан билим савияси ниҳоятда паст. Мактаблар таъмирга муҳтож. Моддий-техника базаси уга ноқор. Шу йилнинг 9 ойида маориф соҳасида маҳаллий бюджетдан узлаштириш учун ажратилган маблағнинг 54 миллион суми ишлатилмаган.

Ҳукумат тadbирларини амалга оширишда матбуотнинг аҳамияти беқисес. Бироқ, вилоят омманый ахборот воситалари мавжуд муаммоларни еритишда масъулятсизлик қилмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қиладиган мақолалар йўқ ҳисоби. Масала ва муаммоларга шопша-шопша, юзакчилик билан ендошлади. Танқидга жуда кам эътибор берилди.

Шу йилнинг утган даврида «Қашқадарё ҳақиқати»да иккита кичик танқидий мақола берилган, ҳолос.

Нима, бугун вилоятда амалга ошириладиган ишлар қониқарлими? Халқ хўжалиғи соҳаларида муаммолар йўқми?

Келинг, вилоятдаги иқтисодий ривожланишга бир назар ташлайлик.

Хўсурийлаштириш борасида давлат мулкни бошқариш ва тadbиркорлиқни қучлаб-қучватлаш вилоят бошқармаси (Р. Хидиров) фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Мулк шаклини узгартирган қорхоналар билан иш олиб боришга, ном узарган-у, иш услаби эскича.

Фойдаланилмаётган ва қурилиши туғалланмаган 77 та бинодан фақат 9 таси қимшош савдосига қўйилган. Тарғибот ва реклама хизмати йўлга қўйилмагани сабабли аҳолига қучмас мулк қилиб сотилиши мулжалланган ер майдонлари кетма-кет 5-6 мартадан қимшош савдосига қўйилмоқда.

Текшириш шуни кўрсатиштиради, одамлар сураб юрган, муҳтож бўлган ер участкаларини қимшош савдоси орқали эмас, аксарият ҳолларда ҳокимликлар томонидан пора олиб, таъмағирлик йўли билан ажратиш қучайиб қолмоқда.

Вилоятнинг қучлаб туманларида Вазирлар Маҳкамасининг фермер хўжалиқларини ташкил қилиш ва уларни рағбатлантириш ҳақидаги қарорлари охиригача уз ечимини толмапти. Уларга 6 минг гектарга яқин ер майдони ажратиб берилмади.

Мустикал ва хўжалиқлар тарғиботи фермерларнинг иш яқуларни таққосланганда, мустикал фермерлар дехқонлик ва чорваччилик маҳсулотларини 4 марта қуч ишлаб чиқариладиганига қарамасдан, вилоятда фаолият кўрсатаётган 1611 фермер хўжалигидан 510 таси ҳамон мустикал фаолият юритмапти.

Фермерларга хизмат кўрсатишга мултоққо этибор йўқлиги сабабли улар уз вақтида ерларини ҳайлаш, ишлов бериш, ҳосилин йиғиб олиш имкониятларидан тула фойдаланма олмапти.

Фермерлар томонидан шунча қийинчилик билан етиштирилган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини сотиш аҳоли бундан ҳам баттар. Чунки дехқон тайерлов ва қайта ишлов қорхоналарига топширган маҳсулотларини учун уз вақтида ҳақ ололмапти. Маҳсулотга қўйилатган нарх эркин нарх бўлмасдан, мажбурий нарх бўлиб қолмоқда. Шу йўл билан фермерларга катта зарар етказилмоқда ва тусяқ қўйилмоқда. Бунга қозончага чидаш мумкин?

Хисоб-китоб ишлари ойлаб паисалта солинмоқда. Натижада, бугунги қунда фермерларнинг дебитор қарзлари 1 миллион 300 минг сумдан ошиб кетди. Бу эса фермер хўжалиқларининг сони қамайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Вилоят буйича 1992 йилда 2476 та фермер хўжалиғи фаолият кўрсатган бўлса, 1995 йилнинг 1 ноябрга келиб уларнинг сони 765 тага қамайган.

Мулк эгалари соғиқ ҳақидаги қонунни бузишга, уғрилик, талон-тороғга йўл қўймоқдалар. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида қорхона ва ташкилотларнинг 2168 нафар мансабдор ҳодимдан маъмурий тарғибда 1 миллион 810 минг сумга яқин жарима ун-дириб олинган.

Вилоят солиқ бошқармаси раҳбарияти давлат бюджетига қароғалли тушум тушишини таъминлаш урнига мансаб талашин билан овора. Қарши шаҳар солиқ бошқармасида бир йилда раҳбарнинг 3 марта алмашгани қандай

тушуниш керак? Балки, айрим қимсалар бундай лавозим уга мойли-егли вазифа бўлиб туялиши сабабми?

Товар-моддий бойликларини четта чиқариш борасида ҳам жиғди қамчиликлар мавжуд. Шу йилнинг 9 ойи давомида 105 марта ноқонуний тарғида четта мол олиб чиқиб кетиш ҳоллари қайд этилган. 1 миллион 300 минг сумлик товар-моддий бойлик давлат ҳисобига мусяолара қилинган, булар асосан пахта толаси ва озиқ-оғдат маҳсулотларидир.

Вилоят қишлоқ хўжалиғи сунг ривожланмоқда. Аксарият ескичи соҳаларга ҳақ-тоғра кескини орқали кетиш ҳоллари руй бермоқда. Шу йўл пахта йиғим-терими мавсулда техникадан яқини фойдаланилмагани оқибатида машина терими режази 45 фоизга удалланди, ҳолос.

Сиз, раҳбарлар аҳолини пахта йиғим-теримига моддий қизқитириш, рағбатлантириш, керак бўлса, руҳини қучтариб, уз вақтида жалб қила олмаганини сабабли вилоятнинг пахтачиликдаги имкониятларидан туляқ фойдаланилмади.

Нишон, Муборак, Косон, Усмон Юсупов туманлари йиллик режаларини удаллай олмадилар. 14,8 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинмасдан қилиб кетди. Бу йил вилоятда 1994 йилга нисбатан 20 минг тонна кам ҳосил олинди.

Ғалла етиштириш ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига бирмунча ошган бўлса-да, 1995 йилда гектар бошига етиштирилган ғалла ҳосили 14,7 центнерни ташкил этди. Натигада давлат оғборларига 123 минг тонна ғалла етказиб берилмади. Ғалла ҳосилдорлиғи Дехқонобод туманида 5,8, Ғузурда 8,2, Косонда 11,7 центнерни ташкил қилган.

Дехқонобод, Нишон, Косон, Чирокчи туманларидаги айрим хўжалиқ раҳбарларининг мамлакатимиз ғалла савдосига берақар муносабати туфайли суғориладиган ерлардан, қайтариб айтаман, суғориладиган ерлардан лалми майдонларига нисбатан кам ҳосил олинган. Буни қандай баҳолаш керак?

Бундан ташқари, хўжалиқлар билан вилоят доим маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссалорлик уюшмаси уртасида эркин нархларга ғаллани сотиб олиш юзасидан шартнома маълум тузилмагани сабабли майдонларга 80 минг тонна ғалла топширилмай қолган.

Давлат доим топшириги бажарилмай туриб айрим хўжалиқлар доим маҳсулотларини иш ҳақи ҳисобидан фуқаро, хўжалиқ ва ташкилотларга соттанлар. Қамаш туманидаги «Ғаллакор» хўжалиғи, Яқкабоғ туманидаги Амир Темир номидаги хўжалиқ, Баҳористон туманидаги «Олтин бошқоқ» хўжалиғи, Қасби туманидаги Талинбек хўжалиғи ва бошқалар шунлар жумласидандир.

Сунги йилларда мева, сабзавот, поллиз, қартошка ва узум етиштиришга этибор сусайтириб юборилгани сабабли ҳосилдорлик қамайиб кетган. Масалан, 1992 йилга нисбатан бу йил 56,3 минг тонна сабзавот кам етиштирилган. Қартошка 4 минг тонна, мева ва узум 46,8 минг тоннага қамайган.

Вилоят қишлоқ туяроқ ва иқлим шароитига эга бўлса-да, узини-узига қартошка билан таъминламапти. Бу иш билан ҳеч қим шуғулланмагани йўқ. Уни маъқул майдонларда жойлаштириш, агротехника ва уруғчилик масаласи ҳокимликнинг назаридан четта қолган. Вилоятда 85 минг тонна қартошка зарур бўлса, атиги 15-20 минг тонна етиштирилмоқда. Ҳосилдорлик эса ҳар гектар ердан атиги 50-80 центнерни, 1995 йилнинг 10 ойида эса 60 центнерни ташкил қилган.

Вилоятда шу йилнинг 9 ойи давомида туман ва хўжалиқлар раҳбарлари айби билан асоссиз равишда 15 минг бошдан зиёд қорамол, 1500 бошдан зиёд соғин сизир, 7 минг бошдан ортқ қучча, от, туялар сони қамайиб кетди.

Чорваччиликга мусяадли буларан туман агроносат фирмалари, мева-сабзавот, вилоят гушт ва сут ҳиссалорлик уюшмалари, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотини назорат қилиш инспекцияси, зоотехник ва ветеринар инспекцияси, илмий

текшириш институтларининг вилоят филиалларидаги мусяаксис ва раҳбарларнинг уз ишларида этиборсиз ендошганликлари сабабли агроносат соҳасида яқиний сизқиллашга эришилмапти.

Авалламбор, бунинг сабаби меҳнатни ташкил қила билмаслик, ташаббусни уз вақтида қучлаб-қучватламаслик, одамларни рағбатлантира олмадиклар. Афсуски, вилоят раҳбарлари эскича ишлаш услубидан, маъмурий-буйроқбозлик, боқимандалик, даъво қилиш, расмиятчилик ва дуқ-пулгиса билан ишлаш иллатларидан ҳалос бўлолмаптилар.

Савдо ва маиший хизмат соҳаларида олиб бориладиган ишлар талаб даражасидан паст. Савдо соҳасида дуқонлар хўсурийлаштирилганига қарамасдан, ҳали ҳам мавжуд савдо ташкилотлари раҳбарларининг узлари эски усулда маҳсулот тақсимоти билан шуғулланиб келмоқда. Шу сабабли баъзи бир савдо шаҳобчаларида зарур бўлган озиқ-оғдат маҳсулотлари йўқ.



«Ил тугарак раҳбари — 95», 1-республика танлови

Шу йилнинг февраль ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъати қароридан болалар марказлари фаолиятини кенгайтириш, яъни уларни ўқувчиларнинг нафақат буш пайтларини мазмунли ўтказишга, балки касбий кунималар бериб боришга йўналтириш таъкидланган эди. Бу республика миқдорида болалар марказлари раҳбарларига, ходимларига янада тиришқоқлик билан ишлашга, ижод қилишга кенг имкон яратди.

Яқинда Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Ил тугарак раҳбари — 95» I республика танлови ҳам жойларда шижоатли, болалар раҳбар, яратиб ишқидан ёнган тугараклар раҳбарлари борлигини намоён этган бир кўзгу бўлди. Улар Вали Абдурахмонов —

ларига эътибор берадиган бўлсак, нафақат катта-катта шахарларда, балки туманларда, қишлоқларда ҳам турли тугараклар, болалар дасталари ташкил этила бошланганлигининг гувоҳи бўламиз. Негаки, қишлоқларда таълим олаётган ўқувчилар сони шахардагилардан бир неча бор ортди. Уларни таълимнинг мактабдан ташқари шаклига жалб этиш нафақат билимини бойитишга, балки дунёқарашини кенгайтиришга, касб танлашига яқиндан кўмак беради. Мазкур танловни ўтказишга бош-қош бўлган Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармаси бошлиғи Марат Шафиев биз билан сўхбатда шу фикрларни айтди.

Энди танловга қайтадиган бўлсак, биринчи босқичда иштирокчилар машғулоти ташкил этиш, болалар билан тил топишиш каби маҳоратларини намоён этишди. Иккинчи босқичда ҳар бир тугарак раҳбари ўз соҳасига оид тест саволларига жавоб топишди. Танловнинг энг ҳаяжонли, қизиқарли босқичи эса Андижон шаҳридаги ўқувчилар саройининг катта залида бўлиб ўтди. Бири-бирдан топқир, бири-бирдан зехли тугарак раҳбарларининг ранг-баранг чиқишлари йиғилганларни бир дақиқа ҳам зериктирмади. Айниқса, танловнинг биринчи куниданоқ томошабинларнинг, ҳаттоки, жюри аъзоларининг «ёқимтой»ига айланиб қолган Вали Абдурахмонов учала босқичда ҳам сардорликни қўлдан бермади. Албатта, бошқаларга нисбатан унда ишқибозлар кўп бўлса-да, унинг устига меҳмондуст водийда мезбон бўлса-да, барибир чинакам талант, иқтидор, ижодкорлик барчасидан устун келди.

Умуман «Меҳмон изми мезбонда», дейишди. Шунга амал қилиб, Вали Абдурахмонов жюри ҳайъати умумий балларни ҳисоблаб бўлгунча, ўз рақиблари иштирокида ҳеч бир тайёргарликсиз Саид Аҳмадининг «Келинлар кўзғолони» асарини сахнада «сахналаштирди». Вали Абдурахмонов танлов ҳолиби бўлди. Болаларига актёр бўлишни орзулаган ва шу орзу оғушида Тошкент маданият институтида таҳсил олиб, бугун борлигини, тажрибасини болаларга баҳшида этган олижаноб устоз учун бу шохсула муносиб.

Танлов голиби ҳамда барча иштирокчилар Халқ таълими вазирлигининг ҳамда ҳоймиёларнинг қимматбахшо совғаларидан бахра қолмади. Бу янги аънананинг тузилган жойи Андижон шаҳри маорифчилари шаънига танловни ҳар бир иштирокчиларнинг, томошабинларнинг ёдида узоқ сақланадиган қилиб ташкил этганликларини учун миннатдорчилик айтилди.

Мухбиримиз.

ТАНАФУСДА «КЕЛИНЛАР КЎЗҒОЛONI»

Хужабод тумани болалар маркази драма студияси раҳбари, Дилфуза Иброҳимова — Ургут тумани болалар маркази раққослар тугараги раҳбари, Яйра Мирзаакбарова — Чортоқ туманидаги болалар фольклор дастаси раҳбари, Сайёра Сайдалиева — Оққўрғон туманидаги раққослар дастаси раҳбари, Мухиддин Солиев — Бухоро шаҳридаги экология тугараги раҳбари, Гулбаҳор Мусаева — Термиз шаҳридаги «Гулчилик» тугараги раҳбари, Омадхон Умирзоқова — Охунбобоев туманидаги «Тўқувчилик» тугараги раҳбари, Эркинбой Абдуллаев — Нурота туманидаги «Тош кесувчилар» тугараги раҳбари, Уғилжон Қурбонова — Тўртқул шаҳридаги фольклор-этнографик студияси раҳбари, Худойберди Бегимов — Сайхунбод туманидаги Экология тугараги раҳбари, Муҳаббат Муҳаммаджонов — Дўржба шаҳридаги бичиш-тиқиш тугараги раҳбари, Абдуҳаким Дилмуродов — Шаҳрисабз шаҳридаги кўғирчоқ театри раҳбари, Ири-на Трусевич — Тошкент шаҳридаги «Гул яшовчилар» тугараги раҳбари, Фарҳод Аҳоров — Жиззах шаҳридаги «Нақшолик» тугараги раҳбари. Иштирокчилар манзил-

МУАММОНОМА

Азиз муштарийлар! Аввал куйида таърифланган сўзларни топиб, «очқич»ни ҳал этинг.

- Очқич: 1. Таниқли бастакор, санъат арбоби, Ўзбекистон Республикаси мадҳияси муҳасири муаллифи — 15, 3, 13, 2, 11, 10, 3, 12, 14, 4, 6, 4, 18.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси таркиб топишда муҳим ҳисса қўшган ҳуқуқшунос олимлардан бири — 22, 2, 18, 17, 2, 13, 16, 12, 2, 19, 2, 20, 18.
3. Фуқароларнинг адо этиши мажбурий бўлган вазифаси — 10, 3, 12, 25.
4. Давлат рамзларидан бири — 9, 20, 12, 10.
5. Асосий Қонунимизда белгилаб берилган кафолатлардан бири — 21, 12, 17, 8, 6, 11, 8, 17.
6. Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашида фуқароларимизда уйғондиган туйғу — 24, 3, 12, 3, 12.
7. Мустақиллигимиз шарофати билан аҳамият берилаётган урф-одат ва аънаналар мажмуи — 7, 2, 5, 12, 8, 23, 13.
8. Обру-эътиборга сазовор кекса киши — 4, 7, 1, 4, 7, 4, 11.

Энди жавоблар асосида шаклдаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб, муаммонани ҳал этинг. Бунда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Ўзбек қомуси» шеъринан тўрт мисра аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

Ўзбек қомуси кроссворд сўзлари: 1. Таниқли бастакор, санъат арбоби, Ўзбекистон Республикаси мадҳияси муҳасири муаллифи — 15, 3, 13, 2, 11, 10, 3, 12, 14, 4, 6, 4, 18. 2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси таркиб топишда муҳим ҳисса қўшган ҳуқуқшунос олимлардан бири — 22, 2, 18, 17, 2, 13, 16, 12, 2, 19, 2, 20, 18. 3. Фуқароларнинг адо этиши мажбурий бўлган вазифаси — 10, 3, 12, 25. 4. Давлат рамзларидан бири — 9, 20, 12, 10. 5. Асосий Қонунимизда белгилаб берилган кафолатлардан бири — 21, 12, 17, 8, 6, 11, 8, 17. 6. Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнашида фуқароларимизда уйғондиган туйғу — 24, 3, 12, 3, 12. 7. Мустақиллигимиз шарофати билан аҳамият берилаётган урф-одат ва аънаналар мажмуи — 7, 2, 5, 12, 8, 23, 13. 8. Обру-эътиборга сазовор кекса киши — 4, 7, 1, 4, 7, 4, 11.

Биринчи кам дунё

ПУШТ, НОРТОЙ

деишмоқда Италия парламентининг Базио ва де Флоренцио деган икки депутати. Чунки Нортой «Чинор остидаги дуэль» фильмида дуэлнинг антика, агар таъбир жоиз бўлса, маданий услубини қўлаб, жуда буюси охиб кетган эди. Депутатлар ҳам шу тахлит олишув ботида шов-шув шох-супасига чиқилмоқчи. Улар Италиянинг ўтмиш киролликларидан бирининг ваколатларини тиклаш борасида бахslashиш қилишга ва бир-бирини дуэлга қақришиди. Олингувда қилич, туппоқча эки Нортой қўлланган магнитофондан эмас, балки санъатчи (вилка)дан фойдаланишга қарор қилишди. Нима учун бу тухтамга келишгани ҳеч қимга аён эмас. Лекин, шуниси маълумки, депутатлар ҳар бир нарсани пухта уйлаб, кейин қарор чиқаришди. Зеро, улар билгич одамларда!

ВАНГА ЯНГА БЎЛДИ

Жаҳоннинг нумир биринчи башоратчиси Ванга она ҳақида эшитгансиз. Унинг шов-шувли, шу билан бирга, аниқ башоратлари аҳли авомни ҳаминша хайратга солиб келган. Келинг, сиз ҳам бир хайратланинг:

— Мен, — дейди машҳур урс кинорежиссори Вячеслав Тихонов, — Ванганинг хузурига бориб, оstonадан энди хатлаган эдимки, у менга қараб хитоб қилди: «Эй инанч, сен нега дустинг Юрий Гагариннинг васиятини бажармадинг. Аҳир у сендан, стол устидаги соатни эсдалаки қўлиб қўйишни илтимос қилган эди-ку». Оғзим очилиб қолди. Чунки, бу гап фақат Гагарин иккаламизгагина маълум эди, ҳоло.

Ванга онанинг «ека ушла-диган» бундай гапларидан етти мингдан ортигини эзиб олинган. Дарвоқе, биз аслида бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи эдик. Яқинда Ванга еш келин-куяларга янгилик қилди. Янги она-ола аниқ соғва олганига, Ванга эса янги бўлганига хурсанд бўлибди. Ҳа, ҳаминша хурсандчилик бўлаверсин!

ТУЖЖОРЛАР ДИҚҚАТИГА

Бугунги кунда инсоннинг ўр-тасида энг кенг тарқалган хислат қайсисининг биласизми? Билмасангиз, билиб олинг: бу — мослашувчанлик. Ҳозирда гинирланган жон борки, газларда босилаётган бир ҳафталик тақдирномаларни ўқиб олиб, унга мослашишга ҳаракат қилиди.

Яқинда покистонлик ўн уч яшар башоратчи қиз кейинги бир йилги воқеаларни ипта тилиб берди. Жумладан, унинг айтишича, келаси йил умуман қиш бўлмас эмис. Буни киши қиймлар билан савдо қилувчи тижоратчилар ҳисобга олиб қуйишга яхши бўлади. Акс ҳолда, бозорлари касалда учраб қолиши мумкин.

ПЕШОНАНГА

ЕЗГАНИДАН АЙРИЛМА... Омадсизлиги жонига теккан аргентиналик Альберто Гаунта бир неча марта ўз жонига қасд қилди. Охирига сафар 22 килибри туппоқчадан тўрт марта бошига, икки марта қорнига отди. Улар мулжалга аниқ теккан бўлса-да, шурлик яна улмай қолди. Начора, ажалга ет-маса, чивин ҳам улмайди-да.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик Бош директори Маматқул Ҳазратқулова акиси

Мувиқул ҲАЗРАТҚУЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини раҳбарияти, гуманитар факультетлар чет тиллари кафедраси жамоаси кафедраси мудириси, доцент Д. Абидовага турмуш уртоғи Пулат ТЕМИРХУЖАЕВ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Езувчилар уюмаси ва Адабиёт жағмараси жамоаси жағмараси директори, шоир Ҳамроқул Асқарга қизи МАДИНАнинг бефакт вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими шу тумандаги 211-сонли боғча мудириси Матлуба Абдурашидова ҳамда 15-сонли спорт мактаби директори Иброҳим Имомжонова отаси Аҳмаджон ИМОМЖОНОВ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Маълумки, эски нашрдаги 9-10 синф инглиз тили дарслигини кўп йиллардан бери қўллаб келамиз. Давр ва тузум ўзгариши билан китобдаги 50 фоиз мавзулар дарс сифатида ўқувчилар учун тўғри келмаёттир. Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги ўзгаришларини ҳисобга олсак, дарсликдаги айрим маълумот ва рақамларнинг эскирганлиги ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам чалғитидади.

5-7-синф инглиз тили дарсликлари янги нашр қилиниб, даврга анча мослаштирилди. Шундай мавзулар борки, 5-синфда утилган айрим лексик, оғзаки нутқ материаллари хатто унчинчи синфда учрамайди. Бу, албатта, 9-

да. Жумладан, республика миқозининг байроғи, мадҳияси, тамғаси, уларнинг тавсифлари, юртимиз одимлари, дустлик алоқалари, Президентимизнинг

ларнинг иш услублари ҳам турлича. Бу уринда дарсликнинг роли бошқача. Шу сабабли ягона қўлланма бўлса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги пайтда чет тилларни урганишга қўйилган талаб ва вазифалар, шу фан буйича ўқазилмаган олимпиада мавзулари, ўқув юртларига кириш учун талаб қилинадиган тест-синаовларга яқин топшириқлар 9-11-синф дарсликларида акс этса, яхши бўлар эди.

Худойкул РАҲИМОВ, Денов туманидаги 36-ўрта мактаб 1 тоифали инглиз тили ўқитувчиси.

ЭСКИДАН ЯНГИГА

10-синф дарслигининг анча эскирганлигини кўрсатади. Туман, вилоят методик марказларининг тавсиялари, мактаб услубий бирлашма ишланмалари ёрдамида диёримизга мос мавзулар, материаллар 10-11-синфларда утилимқ

хорижий мамлакатларга сафари, бозор иқтисодиёти, биз яшайётган вилоят, туман, жамоа ҳужалиги ҳақида ўқувчиларга мавзулар бериб боришмоқда. Бу мавзу-материалларни урганиш, менимча, турли вилоятларда ҳар хилликка олиб боради. Ўқитувчи-

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ Кафедралар буйича профессор-ўқитувчилар таркибидagi бўш лавозимларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирилари: эски ўзбек тили ва ёзуви; ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси; психология; Ўзбекистон тарихи; қозоқ тили ва адабиёти; киме; зоология, одам анатомияси ва физиологияси; ботаника, экология ва табиатни муҳофаза қилиш; умумий математика; информатика ва таълимнинг техник воситалари; техника фанлари; меҳнат таълими ўқитиш методикаси; физика ўқитиш методикаси; этика, эстетика; халқ қўшиқчилиги ва дирижёрлиги; мусиқа педагогикаси ва методикаси (танловда фан доктори, профессорлар ва фан номзоди доцентлар иштирок этишлари мумкин).

Доцентлар: инглиз тили (табiiий факультетларда); жисмоний тарбия (3); ҳуқуқ асослари (2).

Катта ўқитувчилар: умумий физика (2); инглиз тили (табiiий факультетларда) (2); жисмоний тарбия (4); тиббiiий билимлар асослари ва дорисхунослик; экология (2) (танловда 5 йилдан ортди педагогик стажга эга бўлган ўқитувчилар, фан номзодлари, доцентлар қатнашишлари мумкин).

Ўқитувчилар: инглиз тили (табiiий факультетларда) (2); инглиз тили (гуманитар факультетларда) (7); жаҳон тарихи (2); умумий физика; жисмоний тарбия; бошланғич таълим педагогикаси; тасвирий санъат (2); тиббiiий билимлар асослари ва дорисхунослик; ўзбек тили ва адабиёти (нофилологик факультетлар учун) (1,5).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Куйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳар, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Ходимлар бўлими.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Институтнинг барча факультетлари сиртқи бўлими 2, 3, 4, 5 курс талабаларининг қишки сессия машғулотлари 1996 йилнинг 2 январидан 12 январигача, 6 курс талабалари учун эса, 2 январдан 26 январгача ўтказилади.

Барча факультетларнинг сиртқи бўлими 1 курс талабалари учун бошланғич курс ва қишки сессия машғулотлари 1995 йилнинг 20 декабридан бошланиб, 1996 йилнинг 20 январигача давом этади.

Институт маъмурияти.



«Зангори экран»да «СИГНАЛ» ГОЛИБ

Яқинда Ўзбекистон телевидениесининг «Яшил широк» танлов мусобақасининг галлагиси бўлиб ўтди. Унда Хатирчи туанидаги 11-мактабининг «Сигнал» ҳамда Боевут туманидаги 40-мактабининг «Хушер» командаси еш авионазоратчилари узаро беллашилди. Ҳар иккала команда ажулловчи беллашув танлов-мусобақасининг унга саволига жавоб беришлари, велосипедда юриш ва йўл ҳаракати назариясини билишлари, уларни амалда Тошкент шаҳри куча чорраҳаларида курсатиш, радио орқали бошқариладиган машина моделлари ишнини намойиш қилиш каби бир талай топшириқларни бажаришлари шарт эди.

Қизинг утган бу учрашувда Навоий вилояти еш авионазоратчиларига омад қилиб бокди. Улар велосипедда юриш топширигини анча аниқ ва яхши бажаришди, чорраҳа макетини тайёрлаш ва радио орқали бошқариладиган модел ва бошқа бахсларда кўпроқ очко туллашга муваффақ бўлишди ҳамда талаба қозонилди.

СУРАТЛАРДА: Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги 11-мактабининг «Сигнал» ва Сирдарё вилоятининг Боевут туманидаги 40-мактабининг «Хушер» отряди вакиллари учрашувларидан лавқалар. Р. АЛЪБЕКОВ олган сурат.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАДБИР

Куни кеча Сирғали туманидаги Увайсий номли 104-мактабда узига хос анжуман бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча мактабларнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари қатнашди. Бу тадбир адабиёт дастурига янги киритилган шоир ва ёзувчилар ижодини урганишга бағишланди. Йигинда мактабнинг

тил ва адабиёт ўқитувчилари ўз иш тажрибаларини ҳаммасблари билан ўртоқлашди. Айниқса, мазкур мактабнинг 1-тоифали тил-адабиёт муаллималари Маҳбуба Мир-

заева, Султония Режемова, Басия Ориповалар ўтказган очик дарслар семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Анжуман якунига кўра, мактабнинг моҳир

тил-адабиёт ўқитувчиси Маҳбуба Мирзаеванинг бой иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилди ҳамда у «Олий тоифали ўқитувчи» деган юксак номга сазовор бўлди.

«МАЪРИФАТ»

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан хоймалари касаба уюмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далайланинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъудирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтаришмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58. «Шарқ» нашриёт-маъбаа контерни босмахонасиди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Навбатчи: Журакул Искандаров.